

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

2008 йил 21-27 ноябрь № 46 (614)

Жума кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2009 йил докторантура ва аспирантурага қабул қилиш режаси ҳақида

2008 йил 18 ноябрь

№ 522

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий ва илмий марказларда фаннинг долзарб йўналишлари бўйича олий малакали илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли "Илм-фан ва технологияларнинг ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига ҳамда 2007 йил 9 августдаги 164, 11, 3/10, 19-сонли қарор билан тасдиқланган "Аспирантура (докторантура) тўғрисида Низом"га асосан аспирантура ва докторантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ҳамда илмий текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказларда 2009 йил докторантура ва аспирантурага қабул режасини 1-иловага мувофиқ

(Давоми 2-бетда).

Қомусимиз — бахтимиз

ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 16 йил тўлади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳамisha қадрланган Бош Қомусимизнинг асосий мазмун-моҳияти инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи таянч сифатида шахс ва жамият, фуқаронинг бурч ва ҳуқуқлари, давлат ҳокимиятининг яхлитлигини таъминловчи бир қатор устувор вазибаларга қаратилганлигини кўрситиш мумкин.

Қайсики бир соҳани олманг, ундаги тиб ўзгариши ва ривожланишда бевосита мазкур ҳужжатнинг муштакам пойдевор бўлаётганлиги намоён бўлади. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизими ислохотларининг жадал суръатларда ўсиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳам Конституциямизнинг дастлабки бобларидаёқ алоҳида эътиборга олинади. Жумладан, 40-моддага биноан "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" деган банднинг мавжудлиги, биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш вазибаларини кучайтирса, иккинчидан, инсонлар саломатлигини муҳофазадада муҳим омили ҳисобланади. Истиқлолнинг илк йилларида тизим фаолиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг узлуksиз равишда фуқаролар манфаатига хизмат қилиб келаётганлигини ҳеч шубҳасиз,

эътироф этиш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда ҳам давлат доволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам бепул кўрсатилиши, фуқаролар учун муассасаларда етарли шарт-шароитларнинг замон талабига мос ҳолда яратилганлиги, беморларнинг имтиёзли ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги кўрсатмалар юқорида тилга олинган модданинг амалий ва мантикий ифодаси ҳисобланади, десак хато бўлмайди. Ана шундай имтиёзли ҳуқуқларнинг юзага келишида аввало Қомусимизнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш кафолатини берувчи ҳуқуқий эркинлиги асосий ўринда туради.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман



БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Педиатрия тиббиёт институти ва Ўзбекистон педиатрлари ассоциацияси ҳамкорлигида «Болалар ва ўсмирлар саломатлигини шакллантиришнинг тиббий-биологик асослари» республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлар, илмий-амалий марказларнинг профессор-олимлари, мутахассислар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уринбосари А. Комилов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори А. Алимов ва бошқалар юртимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш, ёш авлод камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидладилар. Бу эса аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларни ҳар томонлама етук ва баркамол шахслар этиб вояга етказишдек масъулиятли жараён билан бевосита боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида янги, ҳалқаро андозаларга мос ихтисослаштирилган марказлар, шифо-

хоналар, диспансерлар, поликлиникалар, туғруқ мажмуалари, она ва бола скрининг марказлари барпо этилиб, замонавий тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланмоқда. Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг самарали механизми жорий этилгани, кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини яратиш мақсадида олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли шакли амалиётга киритилгани, Тошкент Тиббиёт академияси ташкил этилиши, олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш йўлга қўйилгани эътиборга молиқдир. Шунга мувофиқ, анжуман доирасида болалар ва ўсмирлар саломатлигини яхшилаш йўналишида тайёрланаётган кадрлар салоҳиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Ўзбекистон тиббиёти соҳа-

сидаги бундай изчил ва муваффақиятли ислохотлар халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, тиббиёт мутахассислари ўртасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, биргаликда мураккаб хирургик операцияларни амалга оширишда муҳим омили бўлмоқда. Университетимиз шифокорларининг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида болалар юрак хасталиги хирургияси йўналишида амалга оширилган операциялари бунинг тасдиғидир, — дейди суҳбат чоғида Жанубий Кореядаги Ёнсей тиббиёт университети олими, врач-кардиолог Ёнг Хван Пак.

Конференцияда педиатрлар тайёрлашда клиник ва тиббий-биологик фанларнинг ўзаро интеграцияси, болалар хирургиясида биоматериалларни қўллаш, юқумли касалликлар, жумладан, вирусли гепатитни доволашда илгор усуллардан фойдаланиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида самарали доволаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тинглангани ва муҳокама этилди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Сурат муаллифи Анвар САМАДХОДЖАЕВ.

Обуна — 2009

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2009 йил учун обуна бўлиш мавсуми давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштариёлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
БУЙРУҒИ****2009 йил докторантура ва аспирантурага
қабул қилиш режаси ҳақида**

2008 йил 18 ноябрь

№ 522

Тошкент шаҳри

БҲҲҲҲҲҲҲ:

1. Фан ва ўқув юртлири Бош бошқармаси (Ш. Э. Атаханов) докторантура, аспирантура қабули бўйича эълонни "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетасида чоп этишни ташкил этсин.

2. Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институти, Ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий ва илмий марказлар раҳбарларига:

2.1. Докторантура ва аспирантура қабулини 2009 йил учун тасдиқланган режа (1-илова) асосида амалга ошириш таъминлансин;

2.2. Танловда иштирок этувчилар ҳужжатлари жорий йилнинг 21 ноябрга 1 декабрга қадар қабул қилинсин. Имтиҳонлар жорий йилнинг 2 декабрга 18 декабрга қадар ўтказилсин;

2.3. Аспирантурага мутахас-

сисликлар бўйича ушбу йўналишдаги мутахассислар қабул қилинсин:

- магистратурани тугатганлар;
- 1998 йилгача институти тугатган, мутахассислиги бўйича интернатура ўтган ва ушбу мутахассислиги бўйича интернатурадан кейин камиди икки йил иш стажига эга бўлганлар;

- 1998 йилдан бошлаб тиббиёт олий таълим муассасаларини тамомлаб, магистратура ва клиник ординатурани тугатганлар;
- фармацевтика йўналишидан мутахассис дипломига эга бўлган ва магистратурани тугатганлар.

3. Олий таълим муассасари ва уларнинг филиалларида мақсади аспирантура ўринларига қабул 2-иловада кўрсатилган олий таълим муассасаларида амалга оширилсин.

4. Аспирантура ва докторантурада 2009 йил қабули бўйича ўқув жараёни 2009 йилнинг

2 январидан бошлансин.

5. Иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов):

олий таълим муассасалари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Илмий текшириш институти, Ихтисослаштирилган илмий, тиббий илмий-амалий ва Илмий марказлардаги докторант ва аспирантларнинг ўқув жараёнини таъминлаш билан таъминлансин.

6. Докторантурага ва аспирантурага қабул қилиш режасининг бажарилиш ҳисоботи илова қилинган шаклда бўйича 2008 йилнинг 22 декабрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлири Бош бошқармасига топширилсин.

Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини Вазир ўринбосари Н. У. Шарипова юзлайман.

Вазир

Ф. Ф. НАЗИРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми 4-бетда).

Комусимиз — бахтимиз**ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ
ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ**

Тиббиёт тизимида салоҳият-ли, юксак билимли кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга экан, Конституциянинг 41-моддасида кўрсатилганидек, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, деган чўқур мазмундаги фикрнинг акс этганлиги, айни кунда эътибор-расини бермоқда. Айниқса, кадрлар масаласининг "Кадрлар тайёрлаш Илмий дастури" асосида яхлит бир тизимга тушганлиги ва унинг замирида етук, малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш ишларига қаратилган бор куч ва имкониятлар тиббиёт соҳасини эътибордан четда қолдиргани йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбарининг мамлакат ёшлари учун яратиб берган имконият ва ғамхўрлиги, ҳоржий олий ўқув юртлири билан олиб борилаётган кенг қўламдаги ишлар, тажриба алмашишдек бой илмий-амалий фан уюқлари, табиийки, соҳа ривожини янада юксалтирмоқда. Бу борада со-

лиқни сақлаш тизимини илғор тажрибалар асосида чўқурлаштириш масъулияти йилдан-йилга ошиб, такомиллашиб бормоқда. Бунинг амалий ифодасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чўқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва унга мувофиқ тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқариш ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган 2 октябрдаги Қарори мисолида кўриш мумкин.

Эътироф этиш жоизки, Бош Комусимиз бўлган мазкур қонуний ҳужжатнинг ҳар бир соҳа тараққиёти ривожига асосий ўрин ва мазмун-моҳият касб этаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг мустақкам пойдевори бўлган Конституциянинг ҳар томонлама тараққий этган давлатлар билан тенглаша олиши, мамлакатнинг ҳуқуқий асоси сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва унда яратилган эркинликлар, ҳолис сўз ва эркин фикр ижтимоий ҳаёти-мизда дастуриламал бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ибодат СОАТОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Текширув**НАЗОРАТ: ФАОЛИЯТ РИВОЖИНИНГ АСОСИ**

Таъкидлаш жоизки, иш сифати ва самарадорлигининг ошиши асосан кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Зеро, ҳар қандай ташкилотдаги фаолиятларнинг такомиллашуви раҳбарнинг зиммасида бўлиб, ишларни тўғри ташкиллаштириш ҳамда назоратни кўчатириш бевосита унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Нима учун биз юқоридаги фикрларимиз доирасида назорат сўзига ургу бердик? Чунки назорат деганда фаолиятлардаги муваффақият, ишлар ривожини, шунингдек, жамиятдаги ҳар бир шахснинг халқ манфаати йўлида виждонан ишлаб, давлат тараққиёти учун муносиб ҳисса қўйиши кўз олдимизда намо-

ён бўлади. Лекин назоратни сўсайтириш оқибатида масъулиятсизлик гирдобига суиистеъмолчилик юзага келади. Бунинг натижа-сида эса жамият тараққиётига путур етади. Шунинг учун мутахассислар томонидан назоратнинг ўз вақтида олиб борилиши фойдадан ҳоли бўлмайди. Айтиш лозимки, шу ўринда назорат инспекцияларининг фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси тизим доирасида фаолият юритаётган ташкилотларда йўл қўйилаётган хато ва камчилик, масъулиятсизлик ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда текширув ишлари олиб бормоқда.

Республика тиббиёт тизимидаги ҳар бир ташкилот ҳам ўз олдиға қўйган вазифаларини соҳа доирасига тегишли бўлган амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан ижро интизомига риоя қилган ҳолда ба-жарсагина, қўзлаган мақсадларига эриша олиши мумкин. Ай-тиш ўринлики, тизимдаги даво-лаш-профилактика ва санита-рия муассасаларида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар та-лабларига риоя қилиниши На-зорат инспекцияси ходимлари томонидан мунтазам равишда текшириб борилади.

Текширувнинг асосий мақса-ди: Соғлиқни сақлаш вазирли-ги тизимидаги даволаш-профи-лактика, санитария муассасала-ри, олий ўқув юртлири, тибби-ёт коллежлари, уларга юқлан-ган вазифалар амалдаги қонун-лар ва меъёрий ҳужжатларга асосан, ўз вақтида бажарили-шини таъминлаш, бюджет маб-лағларидан мақсадли фойдала-ниш, бюджет маблагларидан олинган, мурувват йўли орқали келтирилган дори-дармонлар, тиббий воситалар ҳамда асбоб-ускуналар сақланиши мақсади-ли ишлатилиши устидан муассаса раҳбарлари томонидан назорат

ўрнатишни таъминлаш, даволаш-профилактика муассасаларидаги мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан суиистеъмолчиликнинг олдини олишдан иборат-дир.

2008 йилнинг тўққиз ойи да-вомида жами 742 та текширув ўтказилди. Жумладан: Ўзбеки-стон Республикаси Соғлиқни сақ-лаш вазирлигининг 697 та даво-лаш-профилактика муассасала-рида (улардан 598 таси режал-и ва 99 таси режадан ташқари), 45 та тиббий фаолият билан шўғул-ланувчи тadbirkorлик субъект-ларида (10 та тиббий фаолият би-лан алоҳида шўғулланувчи шахс) текширув ишлари олиб бори-ди.

Текширув жараёнида ходим-лар томонидан аниқланган кам-чиликлар назорат инспекцияси талаби билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бир қатор ишчиларга нисбатан интизомий чора-тадбирлар қўлланилди.

Олиб борилган текширув на-тижалари бўйича 33,7 миллион сўм миқдоридидаги моддий зарар қопланди. Назорат инспекцияси ходимлари Молия вазирлиги (На-зорат-тафтиш бош бошқармаси)-нинг ҳудудий бўлинмалари би-лан ҳамкорликда 13 та текширув

ўтказилди. Ундан ташқари ин-спекция ходимлари томонидан ўтказилган 69 та текширув ма-териаллари Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқарма-си ва унинг ҳудудий бўлинмала-рига топширилди.

Шунингдек, текширув мате-риалларининг 13 таси маҳаллий ҳокимиятларга, 81 таси Давлат санитария-эпидемиология назо-рат марказига ҳамда 30 таси ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-ларига юборилди.

Текшириб чиқилган 45 тadbirkorлик билан шўғулланувчи субъектлар бўйича материаллар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ли-цензия комиссиясига берилди. Бу ҳужжатлар ўрганиб чиқилгач, улардан 6 та тadbirkorлик

субъекти фаолияти 10 кунга тўхтатилди, 18 та тadbirkorлик субъекти эса суд идораларига тиббий фаолиятни олиб бориш бўйича берилган лицензиядан маҳрум қилишни кўриб чиқиш-га, қолган иккитаси эса проку-ратура органларига топширил-ди. Иш фаолияти давомида ай-рим камчиликларга йўл қўйган тadbirkorларнинг фаолиятла-ри назоратга олинди.

2008 йилнинг тўққиз ойи ичида Назорат инспекцияси хо-димлари фуқаролардан келган 203 та ариза ҳамда муноза-ратномаларни кўриб чиқилди. Таъ-кидлаш жоизки, 58 та аризада-ги далиллар ўз тасдиғини то-пи. Текширувлар натижа-сида 14 нафар мансабдор шахс иш фа-олиятдан четлатилди, 84 нафар кишига нисбатан интизомий чо-ралар қўрилди.

Шу давр ичида қайта қоплан-ган моддий зарар ва жарима ҳисобига давлат бюджетига 62,7 миллион сўм миқдорида маблаг қайтарилди. 2775 нафар киши-га интизомий чоралар қўрилди. Булардан 2042 нафар ишчиға огоҳлантириш берилиб, 616 на-фарига жарима солинди. Уз ла-возимда ишлаб турган 117 на-фар киши вазифасидан озод этилди.

Мазкур камчиликлар муассаса раҳбарларининг масъу-лиятсизлиги, меъёрий ҳужжатларни билмаслиги, ҳуқуқий са-водсизлиги, шунингдек, раҳбарлар қўл остидаги ходимлар ишиға бефарқлиги туфайли юзага келмоқда. Мутахассис си-фатида айтмоқчиманки, давлат мулкини кўз қорачигидек асраш, суиистеъмолчилик ва бепарволикка йўл қўйма-лиқ жамиятдаги ҳар бир шахснинг виждонига боғлиқ деб ўйла-ман. Айниқса бу ўринда ташкилот раҳбарлари ҳар томонла-ма талабчан, қаттиққўл, соҳа ривожининг билимдон бўли-ши керак. Ана шундагина қўзланган мақсадларға эришиш му-кин.

Озода ИСЛАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг Назорат инспекцияси бошлиғи.

Семинар

Хабарингиз бор, республикамизда 14 ноябрь — Халқаро диабет кунини сифатида кенг нишонланди.

**МУҲИМ САНАГА
БАҒИШЛАБ**

Ундан ташқари, 1 ноябр-дан 30 ноябрга «Диабет ой-лиги» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят эн-докринология диспансерлари ходимлари, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла вакиллари билан биргаликда қандли диа-бет мавзусида маҳалларда, олий ўқув юртлири ва корхо-наларда давра суҳбатлари, ту-шунтириш ва тарғибот тadbirkorларини ўтказиб келмоқда-лар.

Ана шундай семинарлардан бири Республика саломатлик ва тиббий статистика инсти-тути Тошкент шаҳар филиа-ли томонидан Тошкент кимё-технология институтида бў-либ ўтди.

Тadbirkor кириш сўзи би-лан очган Республика сало-матлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Эльвира Марказева соғлиқни сақлаш тизимида диабет бўйича ми-ллий дастурни татбиқ этиш жараёнилари ва бу борада тиб-биёт муассасаларида бемор-ларға кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари, ижтимоий, мурувват акциялари тўғриси-да тўхталиб ўтди. Шунингдек, институтининг ушбу тизим-фокори Насима Аҳмедова «Диабет ойлиги» доирасида ўтказилаётган тadbirkorлар ва бу йўналишда қилинаётган иш-лар, тарғибот-ташвиқот ҳамда соғлом турмуш тарзи синға-ри муҳим вазифаларға эъти-бор қаратди.

(Давоми 7-бетда).



Телемедицина для человека, доселе не сталкивавшегося с таким термином, представляется весьма фантастическим и не совсем правдоподобным явлением. На самом деле, эта область медицины – телевизионная – является активно развивающейся и уже поставленной на широкую ногу сферой медицины в нашей республике. Всем известны размеры Узбекистана, – каким большим по своей протяженности является он, насколько далеко могут быть расположены от столицы некоторые его города. Но ведь население дальних городов и областей подвержено заболеваниям не меньше столичного и так же, как и жители столицы, нуждается в осмотре квалифицированных и опытных врачей. Но большое расстояние и, как следствие, невозможность в короткие сроки приехать в столицу являются преградой этому. Тем более учитывая тот факт, что постановка диагноза

порой стоит очень остро, когда на кону – жизнь пациента, скорейший диагноз и осмотр являются единственным путем к спасению. Именно на этом участке проблемы проявляется вся значимость телемедицины.

Как же функционирует эта система? Для начала следует отметить, что на сегодняшний день Узбекистан является единственной страной во всем Центральном азиатском регионе с налаженной системой телемедицины. Каждое патологоанатомическое бюро республики снабжено оборудованием, необходимым для свободного выхода в Интернет и передачи снимков клеток в Республиканский центр патологической анатомии. Фотографии клеток доходят до столицы за считанные минуты, после чего специалисты начинают подробное исследование полученных снимков. Необходимо подчеркнуть, что исследуемый участок фотографируется врачами не один раз, а с разных ракурсов, в ре-

зультате чего путем тщательного «сшивания» снимков образуется одна целостная картинка, изображающая поврежденную клетку в полном виде. Ответ от столичных специалистов приходит в течение получаса, что является очень быстрым откликом. Вместе со снимками областные врачи отправляют в Ташкент историю болезни, анамнез и другие необходимые комментарии.



По словам врачей, в их практике наблюдались случаи неправильной постановки диагноза и, сле-

дательно, назначения неправильного лечения. А это может привести к непоправимым последствиям, поэтому система телемедицины приходится как нельзя кстати.

Автором и руководителем проекта является директор Республиканского центра патологической анатомии Малика Абдуллаходжаева, которая совместно с Министерством здравоохранения, Академией Наук Республики Узбекистан и другими организациями на протяжении большого количества времени работала над созданием подобной системы в нашей стране, вела переговоры с разными странами мира, и, в конечном итоге, добилась поставленной цели и подарила республике готовую телемедицинскую службу.

Современная медицина – как много возможностей дарит она населению, дает еще один шанс на жизнь пациентам, ранее казавшимся безнадежными. Одна из ее отраслей – телемедицина – является спасительным оплотом для слоев населения, не обладающих возможностью лично приехать в столицу для полного обследования. Таким образом, телемедицина – это новая эра современной медицины.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

Конференция

НОВАЯ ЭРА МЕДИЦИНЫ

14 ноября 2008 года в зале заседаний Республиканского патологоанатомического центра прошла конференция, на которой были продемонстрированы все последние достижения в области телемедицины, обсуждались актуальность и необходимость существования данной области науки для диагностики, лечения и профилактики. Мероприятие посетили представители Кабинета Министров Республики Узбекистан, Министерства здравоохранения, Всемирной организации здравоохранения, а также многие другие гости. Открыл и вел конференцию заместитель министра здравоохранения Республики Узбекистан Н. Шарапов.

Мероприятие посетили представители Кабинета Министров Республики Узбекистан, Министерства здравоохранения, Всемирной организации здравоохранения, а также многие другие гости. Открыл и вел конференцию заместитель министра здравоохранения Республики Узбекистан Н. Шарапов.

довательно, назначения неправильного лечения. А это может привести к непоправимым последствиям, поэтому система телемедицины приходится как нельзя кстати.

Автором и руководителем проекта является директор Республиканского центра патологической анатомии Малика Абдуллаходжаева, которая совместно с Министерством здравоохранения, Академией Наук Республики Узбекистан и другими организациями на протяжении большого количества времени работала над созданием подобной системы в нашей стране, вела переговоры с разными странами мира, и, в конечном итоге, добилась поставленной цели и подарила республике готовую телемедицинскую службу.

Современная медицина – как много возможностей дарит она населению, дает еще один шанс на жизнь пациентам, ранее казавшимся безнадежными. Одна из ее отраслей – телемедицина – является спасительным оплотом для слоев населения, не обладающих возможностью лично приехать в столицу для полного обследования. Таким образом, телемедицина – это новая эра современной медицины.

Юлдуз НАЛИБАЕВА.

Кун мавзуси

ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Кариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ туғилажак фарзанд саломатлигига таъсир қиладиган ирсий омил эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай никоҳларнинг олдини олмасдан туриб, туғилажак фарзандларни ирсий касалликларнинг оғир исканжасидан қутқариб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Юртимиздаги оилаларнинг 20 фоизидан кўпроғи яқин қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳга тўғри келади. Олимларнинг фикрича, улардан ташқил топган 100 та оиладан 60 тасида туғма ирсий касалликка чалинган фарзанд дунёга келар экан. Носоғлом фарзанд туғилиш хавфи қон-қариндошлар қанчалик яқин бўлса, шунчалик юқори бўлади.

Ирсият деганда – ота-оналарнинг ўзига хос белгиларни наъбатдаги авлодларга бериш хусусияти тушунилади. XX асрда илму фан эришган ютуқлар натижасида ирсий белгиларни наслдан наслга узатувчи тузилма, хужайралар ядросида жойлашган алоҳида оқсил тузилма – хромосомалар эканлиги аниқланди. Хромосомалар ҳар бир организмнинг фақат ўзигагина хос бўлган алоҳида белгиларни узатиш имкониятига эга бўлиб, бу хусусият хромосомаларнинг бир қисми генлар томонидан амалга оширилади.

Инсон саломатлиги кўп ҳаётдан унинг генотипи билан белгиланади. Генотип деганда инсон организмдаги бир-бири билан ўзаро боғланган генларнинг йиғиндисига айтади.

Инсон генотипида ҳозирча бир миллион атрофида генлар борлиги аниқланган. Ирсий касалликлар ирсий ахборотларни наслдан наслга ташувчи генларнинг ўзгариши натижасида юзага келади. Ҳозирги вақтда 6 мингдан ортиқ туғма ирсий касалликлар мавжудлиги қайд этилган. Шулардан бир ярим мингтаси даволаб бўлмайдиган ёки умрбод даволаш керак бўлган касалликлардир.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳларда ота-оналар соғлом бўлиб кўриниши мумкин, бироқ уларнинг фарзандларида туғма ирсий касаллик билан туғилиш хавфи юқори бўлади. Масалан, отасида ирсий касаллиқни ташувчи ген бор, деб фарз қилайлик. Онаси қариндош бўлганлиги туфайли унда ҳам айнан шу касаллиқни ташувчи ген кузатилади. Бироқ бу ирсий касаллик уларнинг иккаласида ҳам юзага чиқмаган бўлиши мумкин. Хўш, қайси пайтда ирсий касаллик юзага чиқши мумкин, деган савол туғилиши аини муддао. Ота-оналардаги яширин «касаллик» генлари учрашганда фарзандларда ирсий касаллик намойён бўлади. Одатда бола ўз генларининг ярмини онадан, иккинчи

ярмини отадан олади. Инсонда битта «касаллик» гени мавжуд бўлса, у соғлом ген билан бириктирилади, бир-бирига қариндош ва «касаллик» генининг ташувчилари ҳисобланади. Бу ташувчиларнинг уруғлари 50 фоизга «касаллик» генларини ўзида сақлайди.

«Касаллик» генлари ота-онадан фарзандга 3 турдаги кўринишда ўтиши мумкин: биринчи ҳолатда, бир-бирига қариндош ва «касаллик» генининг ташувчиси ота ва онанинг уруғларидаги соғлом генлар бириктирилади, ҳомила ривожланганда, соғлом бола дунёга келади.

Иккинчи ҳолатда, ҳомила ота-онанинг «соғлом» ва «касаллик» генини сақловчи уруғларидан ривожланади, бола соғлом туғилади, лекин у «касаллик» гени ташувчиси бўлиб қолади.

Учинчи ҳолатда, ҳомила ота-онанинг «касаллик» генини сақловчи уруғларидан ривожланади, фарзанд ирсий касаллик билан дунёга келади.

Қариндошлик қанча яқин бўлса, туғма ирсий касаллик пайдо бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Шариат қонунарига кўра, қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланганлигига қарамаддан, кўпчилик аҳоли ўртасида бу ҳолатнинг давом этиб келаётганлиги жуда ҳам ачинарлидир. Чақалоқларнинг ирсий касаллик билан, болаларнинг

ўлиқи туғилаётганлиги, аёл ва эркакларнинг бепуштлиги, бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимнинг бир қисми ирсий омиллар билан боғлиқлигига бефарқ қараб бўлмайди. Туғма нуқсон билан боланинг дунёга келиши ота-она, оила, қолаверса, жамият учун ҳам катта фожадир.

Ирсий касалликларни даволаш гоят мураккаб бўлгани боис, улар оила учун ҳам «оғир юк» ҳисобланади. Аксарият ҳолларда бундай беморларга ёрдам кўрсатишда тиббиёт ожизлиқ қилади. Оилаларда ирсий касалликлар билан касалланган болалар туғилиши эҳтимолини баҳолаш, ирсий касалликларни ҳомиладорлик даврида ташхислаш, аҳолининг ирсий саводхонлигини ва тиббий маданиятини ошириш мақсадида Республика «Она ва бола скрининг» марказлари ҳамда унинг вилоят филиаллари (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Нукус, Бухоро, Термиз, Фарғона, Қарши, Навоий, Ургенч шаҳарларида), шунинг-

оилада фарзанднинг дунёга келишини ота-она интизорлик билан кутади, ҳонадонда чақалоқ овозининг янграши оилага чексиз қувонч келтиради. Бироқ, қон-қариндошдан тузилган никоҳ туфайли зурриётнинг туғма ирсий нуқсонлар билан дунёга келиши оила учун даҳшатли фожага айланиши тасаввур қилиш қийин бўлмас керак. Шундай экан, фарзандларнинг соғлом туғилиши, ақлан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишини истасангиз, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳларга йўл қўймаг.

Кайно АЛМАТОВА,
Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти
Самарқанд вилоят филиали директори.

дек, уларнинг ҳар берида тиббий-генетик маслаҳатхоналар ташқил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Бу марказлар юқори малакали, туғма ирсий касалликларни эрта аниқлаш масалалари бўйича махсус тайёрлардан ўтган мутахассислар ҳамда уларнинг илаши учун зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланган.

«Скрининг» сўзи инглизчадан таржима қилганда омвий саралаш маъносини билдиради. Она ва бола скрининги янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ва уларга ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллаш билан шуғулланади. Скрининг марказларининг асосий вазифаси ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш ва нуқсонли бор ҳомила туғилишининг олдини олиш мақсадида, ҳомиладор аёлларни махсус текширувдан ўтказишдан иборат. Скрининг марказларининг тиббий-генетик маслаҳат бўлимида ирсий ва туғма касалликларга чалинган фарзандлари бор оилаларга турли соҳа мутахассислари, хусусан, генетик, невропатолог, эндокринолог, гинекологлар керакли маслаҳатлари берилар.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
БУЙРУҒИ**

2008 йил 18 ноябрь

№ 522

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2008 йил 18 ноябрдаги
522-сонли буйруғига 1-илова**2009 йилда олий таълим муассасалари ва уларнинг
филиаллари, Тошкент Врачлар малакасини ошириш
институтини, Илмий текшириш институтларини,
Ихтисослаштирилган илмий, тиббий илмий-амалий
ва илмий марказларда докторантура ва
аспирантурага қабул қилиш режаси**

Мутахассисликлар шифри ва номи	Аспирантура	Докторантура
Олий таълим муассасалари бўйича жами	98 (6*)	8 (1*)
Тошкент Тиббиёт академияси	26	4
03.00.04 Биохимия	2	
14.00.02 Одам анатомияси	1	1
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	2	
14.00.05 Инки касалликлар	4	1
14.00.06 Кардиология	2	1
14.00.07 Гигиена	1	
14.00.08 Кўз касалликлари	1	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	3	
14.00.13 Асаб касалликлари	3	1
14.00.19 Клиник радиология	1	
14.00.21 Стоматология	1	
14.00.22 Травматология ва ортопедия	1	
14.00.25 Фармакология	1	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.33 Жамоат соғлиғини сақлаш	1	
14.00.42 Клиник фармакология	1	
Тошкент Педиатрия тиббиёт институтини	15	1
03.00.04 Биохимия	1	
14.00.04 Оториноларингология	1	
14.00.06 Кардиология	1	
14.00.09 Педиатрия	3	1
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	1	
14.00.13 Асаб касалликлари	2	
14.00.24 Суд тиббиёти	1	
14.00.35 Болалар хирургияси	2	
14.00.37 Анестезиология ва реаниматология	1	
14.00.46 Болалар юқумли касалликлари	1	
Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтини	15	1
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 Терапия	2	
14.00.08 Кўз касалликлари	1	
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	1	
14.00.13 Асаб касалликлари	2	1
14.00.14 Онкология	1	
14.00.21 Стоматология	1	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.37 Анестезиология ва реаниматология	1	
14.00.40 Урология	1	
14.00.43 Пульмонология	1	
Тошкент Фармацевтика институтини	8	
15.00.01 Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш	4	
15.00.02 Фармацевтик қимё ва фармакогнозия	4	
Самарқанд Давлат тиббиёт институтини	8	1
14.00.02 Одам анатомияси	1	1
14.00.05 Инки касалликлар	1	
14.00.09 Педиатрия	1	
14.00.16 Патологик физиология	1	
14.00.27 Хирургия	1	
14.00.28 Нейрохирургия	1	
14.00.35 Болалар хирургияси	1	
14.00.40 Урология	1	
Андижон Давлат тиббиёт институтини	14 (1*)	1*
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1*	
14.00.04 Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари	1	
14.00.05 Инки касалликлар	1	
14.00.06 Кардиология	1	
14.00.09 Педиатрия	2	
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	-	1*
14.00.14 Онкология	1	
14.00.18 Психиатрия	2	
14.00.19 Клиник радиология	1	
14.00.27 Хирургия	2	
14.00.28 Нейрохирургия	1	
14.00.40 Урология	1	
Бухоро тиббиёт институтини	6 (1*)	
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	1	
14.00.05 Терапия	2	
14.00.21 Стоматология	2 (1*)	
14.00.27 Хирургия	1	
ТТАнинг Урганч филиали	6 (4*)	
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	2*	
14.00.04 Оториноларингология	1*	
14.00.09 Педиатрия	1	

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

14.00.22 Травматология ва ортопедия	1*	
14.00.27 Хирургия	1	
ИТИлар, Ихтисослаштирилган илмий ва илмий марказлар бўйича	44	5
Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббий марказини		
14.00.09 Педиатрия	2	2
Травматология ва ортопедия ИТИ		
14.00.22 Травматология ва ортопедия	5	
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ	2	
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
14.00.30 Эпидемиология	1	
Республика ихтисослаштирилган Терапия илмий-амалий тиббий марказини	4	
14.00.05 Терапия	2	
14.00.06 Кардиология	2	
Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий марказини	2	
14.00.26 Фтизиатрия	1	
14.00.43 Пульмонология	1	
Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказини		
14.00.01 Акушерлик ва гинекология	5	1
Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ		
14.00.07 Гигиена	1	
Гематология ва қон қуйиш ИТИ		
14.00.29 Гематология ва қон қуйиш	3	
Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий марказини		
14.00.11 Тери ва таносил касалликлари	2	-
Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббий марказини		
14.00.03 Эндокринология	2	1
Вирусология ИТИ		
14.00.10 Юқумли касалликлар	1	
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган Хирургия марказини	4	
14.00.27 Хирургия	2	
14.00.44 Юрак қон-томир хирургияси	2	
Республика ихтисослаштирилган Кардиология марказини		
14.00.06 Кардиология	3	
РШТЭИМ	5	
14.00.06 Кардиология	1	
14.00.19 Клиник радиология	1	
14.00.27 Хирургия	2	
14.00.44 Юрак қон-томир хирургияси	1	
Республика онкология илмий марказини	2	
14.00.14 Онкология	1	1
14.00.19 Клиник радиология	1	
Республика Нейрохирургия марказини		
14.00.28 Нейрохирургия	1	
ЖАМИ	142 (6*)	13 (1*)

Изох: * шу жумладан мақсадли ўринлар. Мақсадли ўринларга қабул 2-иловада кўрсатилган муассасаларда (ТТА ва Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказини) амалга оширилади.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2008 йил 18 ноябрдаги
522-сонли буйруғига 2-илова**Мақсадли аспирантура ва докторантура ўринларига қабул
бўйича олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали**

Мутахассислик шифри	Жойлар сони	Юбораётган олий таълим муассасаларининг номи	Қабул қилувчи олий таълим муассасаларининг номи
Аспирантура			
14.00.01	1	АндДавТИ	Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказини
14.00.21	1	БухТИ	ТТА
14.00.01	2	ТТАнинг Урганч филиали	ТТА, Республика Ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказини
14.00.04	1		ТТА
14.00.22	1		ТТА
Докторантура			
14.00.11	1	АндДавТИ	ТТА

Изох: мақсадли ўринларга қабул улар юборилган институтларда, яъни аспирантура ва докторантура аккредитациядан ўтган муассасада амалга оширилади.**Ш. Э. АТАХАНОВ,**
Фан ва ўқув юртлари
Бош бошқармаси бошлиғи.

1 декабрь – ОИТСга қарши курашиш кuni олдидан

ЭЪТИБОР ВА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР!

Ҳеч бир инсон XX асрнинг саксонинчи йиллари бошида сайёрамизда илгари маълум бўлмаган дахшатли юқумли касаллик қайд қилиниб, инсоният ҳаётига бунчалик хавф солиб, миллионлаб кишиларнинг ўлимига сабаб бўлади, деб ўйламаган эди. Мана бугунга келиб, ушбу ҳолат жаҳон микёсидаги муаммога айланиб, кишилар соғлиғи учун жиддий хавф тугдирадиган давосиз иллатга айланиб бормоқда.

Одамнинг иммунитет тизими (ОИТВ) билан зарарланиш, инсоният тарихида энг оғир ва хавфли пандемия ҳисобланиб, у ўзининг тарқалиш тизими ҳамда оқибати билан ўлат касаллигини эслатади. Ҳозирги кунда бу касаллик жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қайд қилинмоқда. Бу вирус охирикитиб киши танасидаги ёт моддалар – бактерия, вирус, замбуруғ кабиларга қарши курашувчи ҳимоя воситаси бўлган иммунитет тизими (Т ва В-лимфоцитлар, суяк илги, жигар, қора талок, ички безлар каби)ни емиради. Натижада организмда ОИТВнинг сунги босқичи – одамнинг иммунитет танқислиги синдроми (аломаatlари) – ОИТС пайдо бўлишга замин яратлади.

Илк бор бу хасталик 1981 йилда АҚШдаги касалликларни назорат қилиш маркази томонидан қайд қилиниб, уларнинг кўпчилигида ОИТВ сабаб бўлган Т-хужайрали иммунодефицит топилган. ОИТВнинг юқумли эканлиги ҳақидаги фикрлар 1982 йил июнь ойида қайд этилган эди. Кейинчалик бу касаллик гиёҳвандлар ва фоҳишалар ўртасида аниқлана бошлаган.

ОИТС вирусини биринчи бўлиб, 1983 йилда француз олими Люк Монтанье, 1984 йилда америкалик олими Роберт Галло аниқлаган. Бу вирус жуда хавфли бўлиб, ўз хусусиятини тез-тез ўзгартириб туради. Ташқи муҳитга чидамсиз, 56-57°C (10 дақиқада) қайнатилганда дарҳол (1-2 дақиқада) ҳалок бўлади. 70°C этил спирти, 3 фоизли хлорамин эритмаси таъсирида 10-30 дақиқада ўлади.

Биологик хусусиятларга кўра, ОИТВ ретровирус туркумига мансуб бўлиб, тўлиқ ҳаёт цикли тез кечади (1-2 сутка), кунига бир миллиондангача вирус зарарчанлирини ҳосил қилади. Унинг вируслари юқори даражада генетик ўзгаришчанлиги (бошқа вирусларга нисбатан ўз мартабада тез ўзгаришчан) жиҳатидан вируслар ичида биринчи ўринни эгаллайди. Ҳаддан зиёд генетик ўзгаришчанлиги сабабли ОИТВга чалинган организмда узоқ, доимий сақланиб қолишга ҳаракат қилади. (Шу боис ҳам, унинг хусусий (специфик) давосини топиш қийин кечмоқда). Қуритилган ҳолда ОИТВ бир неча кун (3-7 кун) мобайнида сақланиб қолади, музлатилганда анча узоқ сақланади (10 йилгача). Маълум шaroитларда, масалан, шприцнинг ёпиқ муҳитида қоннинг қолдиғи билан ОИТВ фаоллиги 4 ҳафтагача йўқолмайд.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг расмий маълумотига қараганда, ОИТВ/ОИТС касаллиги биринчи бўлиб 1981 йилда АҚШнинг Нью-Йорк, Сан-Франциско штатларида, оз вақт ўтар-ўтмас Канада, Қариб денгизи ҳавзасида жойлашган Бразилия,

Марказий Африка, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларида, Ўрта Осиё, ҳаттоки Австралия, Япония каби давлатларда ҳам расмий равишда рўйхатга олинган. Яна шунингдек, 1990 йилнинг декабрь ойигача ер юзидда 8 миллиондан ортиқ кишининг ОИТВ юқтирилгани қайд қилинган бўлса, ОИТС билан касалланганлар сони 300 мингдан кўп бўлган. Айтиш жоизки, бу касаллик бўйича жаҳонда эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бормоқда. Ҳозирги кунда ОИТВни юқтирганлар сони дунё бўйича 39,5 миллиондан ошган.

Дунёда ҳар йили 5-5,6 миллион киши ОИТВ юқтирилмоқда, ундан ва ОИТСдан 3-3,1 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда (шулардан 500-600 мингдан ортиғи болалардир). Ер юзида ҳар кун ОИТВ юқтирилган 14-15 минг кишини ташкил қилмоқда. Ҳозирги вақтда ер қуррасининг деярли барча мамлакатларида ОИТВ/ОИТС кўпалаб қайд қилинмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида бу касаллик бўйича эпидемиологик вазият ниҳоятда жиддий. Мамлакатимизда ОИТВ/ОИТС касаллиги 1987 йилдан қайд этилган бўлсади. 1987-1998 йиллар орасида ҳар йили 1-8 нафар бемор рўйхатга олинган бўлса, ундан кейинги йилларда бу кўрсаткич анча кўпайганлигини айтиш мумкин. Қайд этилган беморлар орасида хорижий фуқароларнинг салмоғи 1987-1988 йилларда 53,0 фоизни, 1999 йилдан эса 20,0 фоиз, 2000-2003 йилларда 0,4-0,6 фоизни ташкил этган. 1987-1988 йилларда ОИТВ/ОИТС билан оғирган 7 та бемор аниқланган ва уларнинг барчаси хорижлик бўлган. Маҳаллий аҳоли ичида мазкур хасталик билан касалланиш 1989 йилда бошланган. 1989-1998 йилларгача ўртача ҳар йили 1-3 нафар маҳаллий бемор қайд қилинган.

Сўнги йилларда республикада ОИТВ инфекцияси соҳасидаги вазият ўзгарди, бунда янги касалланиш ҳолатлари сони кўпайиб бормоқда. Мамлакатнинг барча маъмурий ҳудудларида ОИТВ инфекцияси ҳолатлари рўйхатга олинди. 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1987 йилда рўйхатга олиш бошланган пайтдан буён республикада 13015 та ОИТВ инфекцияси аниқланди. Шунингдек, 10 та олим, бу касалликнинг тарқалиш республикамизнинг барча ҳудудларида бир хил эмас. Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё каби вилоятларда касаллик даражаси юқори. ОИТВ-ОИТС ҳолатларининг яъни 30 ёшгача бўлган шахсларда қузатилган. ОИТВ билан рўйхатга олинган кишилар орасида эркаклар кўпчилигини ташкил этади (81 фоиз), бироқ хотин-қизлар ўртасида ОИТВ ҳолатларининг кўпайиш тенденцияси қузатилмоқда. Охириги йилларда ушбу касалликка чалинган хотин-қизлар сони рўйхатга олинган кишилар умумий оқлига нисбатан

2001 йилдаги 9 фоиздан 2005 йилдан 22 фоизга кўпайди. 1999 йилдан бошлаб, ОИТВ билан касалланган аёллардан туғилган 118 нафар бола рўйхатга олинган, уларнинг 20 нафарига 18 ойлигида тест ўтказилганда ОИТВ инфекцияси ташхиси қўйилган. Аини пайтда республикада инъекция орқали гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар ўртасида текширув олиб борилганда, йилига 3-4 фоиз ОИТВ билан касалланганлар сони ортиб бормоқда. Бу касаллик аҳолининг турли гуруҳларида тарқалган бўлиб, умумий қайд этилган беморларнинг 29,0 фоизи гиёҳвандлар, 30,2 фоизи жазо муддатини ўташ муассасаларига тўғри келса, 12,4 фоизи клиник кўрсаткичлар бўйича текширилувчи беморлар ва 10,2 фоизи донорларга тўғри келади. ОИТВ қонга тушиб, ҳимоя ҳужайралари орқали ўтади ва уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Бунда одам ҳар қандай касалликларга қаршилик кўрсата олиши мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун у иммунитет танқислиги деб аталади.

Иммунитет – бу, организмнинг ҳимояланиш қobiliяти, унинг хусусияти, касалликларга қарши чидамлилигидир. Киши ОИТВ билан зарарлангандан кейин, касалликнинг яширин даври 3 ойдан 2-8-15 йил ва ундан ортиқ давом этади. Баъзи ҳолларда бу давр юқиси йўлларида қараб қисқа ёки узоқ муддат бўлиши мумкин. Яширин давр ўтгач, касалликнинг айрим белгилари аста-секин ривожланиб боради. Жисмоний меҳнат қилганда тез чарчаш, дармонсизлик, тана ҳароратининг 37-38°C гача кўтарилиши, кечалари терлаш, бўйин, қулоқ орти тирсак ва чов лимфа безларининг катталашishi, иштаҳа ва уйқунинг бузилиши, ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг дастлабки белгилари ҳисобланади. Вақт ўтиши билан киши озади, меъда-ичак фаолияти бузилиб, ич кетиши (10-15 мартагача) қузатилади. Кейинчалик беморда зотилжам ривожланиб, лаб, бурун, оғиз бўшлиғи ва жинсий аъзолар шиллиқ қавати ва атрофлари тошма тошади. Булар бир-бири билан қўшилиб, йирингли ярага айланади, улар узоқ вақтгача тузалмай, беморнинг аҳолини янада ёмонлаштиради. Бу орада бемордаги ҳимоя воситаси бўлган иммунитет тобора қусизлана боради. Танада иммунитет танқислиги ошиши билан нафас олиш, меъда-ичак, мия ва шу каби бошқа ҳаётий муҳим аъзоларда турли юқумли касалликларни кўзгатувчи бактериялар, вируслар, замбуруғлар ривожланади. Бу асосатларга турли хавфли ўсмалар қўшилади. Натижада ОИТС ўлим билан тугайди.

Касаллик вируси қайси йўллار билан юқади?

Вирус асосан 3 хил йўл билан юқади: қон, жинсий алоқа орқали ва вирус юққан онандан ҳомилисига ўтади.

Вируснинг қон орқали юқиши қуйидаги ҳолларда қайд қилинади:

